Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2013-yil, 7-may. Seshanba • 55 (31.645) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент сўз ва ахборот эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда ОАВ, фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга хизмат қилади.**

## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ МАЖИЛИСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажилисининг Халқаро ҳамкорлик, мудофаа ва хавфсизлик бўйича қўмитаси раиси М.Ашимбаев раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикасида бўлди.**

Қозоғистон Республикаси парламенти делегацияси мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг раҳбарияти билан учрашди. Делагация, шунингдек, мамлакатимиз парламенти қуйи палатасининг тегишли қўмиталарида музокаралар ўтказди, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Учрашувларда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Олий Мажлис ва сиёсий партиялар тузилмаси ҳамда фаолияти тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди, улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

Дўстона руҳда ўтган учрашувлар чоғида томонлар ўзаро алоқаларни изчиллик билан давом эттириш истагини билдирди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## САРМИШСОЙ:
## АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ

**Навоий вилояти Навбаҳор туманида 4-5 май кунлари «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди.**



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида асрий анъаналаримиз, муқаддас қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 2008 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» фестивалидан кўзланган асосий мақсад қадимий урф-одат ва анъаналаримиз, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг турли йўналишларини халқимиз, кенг жамоатчилик, хорижий меҳмонларга яқиндан таништиришдан иборатдир.

Бу йилги фестивалнинг Саримишсойда ўтказилишида ўзига хос маъно бор, албатта. Тарихимизнинг бебаҳо ёдгорликларини ўзида мужассам этган мазкур музей-қўриқхона мамлакатимиз тарихига қизиқувчилар ва сайёҳларни жалб этиб келаётир. Сойнинг икки соҳилидаги қоятошларга ишланган ўн мингдан ортиқ петроглифлар аждодларимиз маданиятининг тараққиётини акс эттирган. Жумладан, тош асарларда оловнинг кашф этилиши, ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш даврлари, чорвачилик маданияти тарихи ва ов жараёнлари тасвирланган.

Тошлардаги суратларнинг маҳорат билан ишлангани юртимизда қадимдан санъат ва маданият юксак даражада ривожлангани, қоятошлар юзасида муайян даврларга оид маданий босқичларнинг акс эттирилиши аждодларимизнинг кенг тафаккур соҳиби бўлганидан далолатдир.

Сой қирғоқларида қадимда экинзорлар ва сувдан унумли фойдаланиш тизими қўлланилгани ҳудудда деҳқончилик маданияти ривожланганидан дарак беради.

Ушбу гўзал масканда «Асрлар садоси» анъанавий олтинчи маданият фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилди. Хусусан, ҳудуднинг табиий гўзаллигини янада бойитиш мақсадида сой бўйларига турфа манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди ва гуллар экилди. Миллий маданиятимизнинг асл намуналарини кенг намойиш этиш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларни муносиб кутиб олиш ва уларга намунали хизмат кўрсатиш юзасидан ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди.

Навоий темир йўл вокзали ва Навоий халқаро аэропорти атрофлари байрамона безатилиб, магистраль ва ички автомобиль йўлларида кенг кўламли таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Навбаҳор, Нурота ва Кармана туманларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилди.

*(Давоми 2-бетда)*

ЎзХДП: электорат манфаати ҳимояси









## ФРАКЦИЯ ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ УЧУН КУРАШМОҚДА

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси «Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш — обод турмуш гарови» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни умумлаштириш, бу борада ЎзХДП фракцияси нуқтаи назарини аниқ шакллантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.**

→ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА
### — МУВАФФАҚИЯТЛИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАСИДИР

**Тошкентда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқий тажрибани амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилди.**

Онлайн-видеоконференция шаклида ўтган мазкур тадбирда депутатлар, мамлакатимиз ва АҚШ, Франция, Буюк Британия, Венгрия каби давлатлардан халқаро экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажрибани ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев ҳамда бошқалар ҳуқуқий тажриба ўтказишни амалиётга жорий этиш мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш бўйича муваффақиятли амалга оширилаётган жараёнлар натижаси эканини таъкидлади.

Айни пайтда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормалари синовдан ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий ҳаётни янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

*(Давоми 2-бетда.)*

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

**Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳамиша одамлар билан гавжум. Йилнинг тўрт фаслида ҳам бу муборак майдондан зиёратчилар қадами узилмайди.**

## САБР-БАРДОШ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Улар вафодорлик, меҳроқибат, сабр-бардош ва эзгулик тимсоли бўлмиш Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйишади, зарварақларга битилган уруш қаҳрамонларининг исм-шарифларини дилларига кўчиришади.

Бугун ўзининг ўтган кунларидаги аччиқ қисматини эслаб, кўз ёшларини яшира олмаётган бобо-момоларимиз «тинчлик» деган бебаҳо неъматнинг қадр-қиммати нечоғли баланд эканлигини яхши билишади ва ҳозирги бахтли авлод онгига тинчликнинг мазмун-моҳиятини сингдиришга ҳаракат қилишади.



— Бу майдон қутлуғ жой, — деганди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, раҳматли бобом. — Кўнгилни поклаб, яхши ният билан келаётган ҳар бир инсон, албатта, аёвсиз уруш йиллари ҳақида ўйлайди. Бу азиз маскан жанггоҳларда жасорат кўрсатган мард ўғлонлар, сабр-бардош ва садоқатда ибрат бўлган хотин-қизларимиз хотирасига қўйилган ҳайкал аслида. Бу майдонга келиб, уларнинг руҳини шод этиш, тинчликнинг қадрини англамоқ ўзи катта ибрат.

Табаррук майдонни зиёрат қилиш учун келаётган кексалар, келин-куёвлар, ёшлар Ватан учун жон фидо этган мардларни улуғлаб хотирлайди, уларга муносиб ворис бўлиш масъулияти ҳақида ўйлайди.

**Гулшода ҚУРБОНОВА**

ЎзХДП: электорат манфаати ҳимояси

# ФРАКЦИЯ ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ УЧУН КУРАШМОҚДА

Қонун лойиҳалари юзасидан кўриб чиқилаётган таклифларнинг аксарияти депутатлар билан бўлган учрашувларда аҳоли вакиллари томонидан билдирилгани давра суҳбатида алоҳида қайд этиб ўтилди. Мазкур таклифларнинг шаклланишида меҳнат қонунчилиги, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича ЎзХДП фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўтказган ўрганишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

— Қонун лойиҳаларига таклифларни ишлаб чиқишда фракциянинг тизимли ёндашувини шакллантириб боришимиз зарур, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев.** — «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилиниши бу борадаги имкониятни янада кенгайтирди, айни пайтда, фракциялар масъулиятини кучайтирди.

Мазкур Қонунда фракциялар билдирган фикрлар ва таклифларсиз қонун лойиҳаси кўриб чиқилмаслиги, улар мажбурий тартибда ҳисобга олиниши аниқ акс эттирилган. Ўз-ўзидан, эндиликда қонунлар лойиҳалари бўйича партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фракция позициясини шакллантириш жараёнларини тубдан такомиллаштириш талаб этилади. **Фракциямиз қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг барча босқичларида фракция иштирокининг процессуал механизмларидан самарали фойдаланиш, энг муҳими, бу жараёнда партия электорати манфаатини ҳимоя қилишга интилмоқда. Жумладан, муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳалари партия электорати вакиллари, жамоатчилик ўртасида атрофлича муҳокамалардан ўтказилди,** улардан кўплаб фикр-мулоҳаза ва таклифлар олинди.

Ушбу таклифлар партия экспертлари билан ҳамкорликда чуқур таҳлил этилиб, фракциямизнинг қонун лойиҳалари юзасидан позицияси ишлаб чиқилди.

**ЎзХДП фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, қонунлар лойиҳаларидаги айрим ўзгартиш ва қўшимчалар иш қидирувчилар, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан кўра, кўпроқ иш берувчиларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган.**

Масалан, Меҳнат кодексига ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга **иш ҳақи қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлса, бундай иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас,** деган меъёр киритилмоқда. Яъни, иш изловчига таклиф этилган ишда иш ҳақи асосий мезон сифатида белгиланмоқда. Аммо иш изловчининг мутахассислиги, касби ҳисобга олинмаяпти.

Фракциямиз мазкур ўзгартиш киритиладиган бўлса, иш қидирувчиларнинг ҳуқуқлари кафолати кучсизланади, деб ҳисобламоқда ва ушбу меъёрни қонун лойиҳасидан чиқариш зарур, деган таклифни илгари сурмоқда. Бу ўринда Меҳнат кодекси ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддалари ўзгаришсиз, амалдаги таҳрирда қолиши керак.

Эслатиб ўтамиз, амалдаги меъёрга кўра, **таклиф қилинган ишда иш ҳақи шу мутахассислик ва касб учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлса, бундай иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас.** Яъни, бу ҳолатда мутахассислик ва касб малакаси аниқ инобатга олинган.

ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши экспертлари қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда мамлакатимиз иқтисодиётида мулкий ва ҳуқуқий муносабатлар эркинлашаётгани, бу борада халқаро иқтисодиётга замонавий интеграциялашув жараёни кучаяётганига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларида кўзда тутилаётган айрим меъёрларни таҳлил қилишди.

Уларнинг фикрича, **ходимга ишдан четлаштирилган даврда иш ҳақи тўланмаслиги тўғрисида Меҳнат кодексига киритилаётган ўзгартиш** ўзига хос чеклов бўлиб қолиши мумкин. Чунки бу меъёр бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, давлат ташкилотларида ишдан қонуний четлаштирилган даврда иш ҳақи тўланмайди. Лекин хусусий ташкилотлар учун бу меъёр нима учун керак?

**Хусусий корхона раҳбари, айтайлик, муайян сабаб билан ходимини маълум муддатга ишдан четлаштирди, аммо шароити оғир бўлса, унга иш ҳақи тўламоқчи. Бундай ҳолатда юқорида айтилган ўзгартиш чеклов бўлиб қолади.** Шунинг учун фракция аъзолари бу ўзгартишга қарши чиқишди.

Меҳнат кодексининг 150-моддасига мувофиқ, ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Кодексга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилни **ўн икки ойлик давр мобайнида жами бўлиб, уч ойдан ошмаган муддатга бериш** билан боғлиқ ўзгартиш киритиш кўзда тутилаяпти.

Депутатлар **шароитдан келиб чиқиб, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланадиган таътил муддатини қонун билан чегаралаш мақсадга мувофиқ эмас**лигини таъкидлашди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фахриддин Ражабов** аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳар бир давлатда ўзига хос бандлик сиёсати юритилишини таъкидлаб, **мамлакатимизда бу масалада комплекс ёндашув шаклланганига, меҳнат қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, аввало, ана шу ёндашувга мос бўлиши кераклигига** эътибор қаратди. Қонун лойиҳаларида назарда тутилган меъёрлар асосан шу мақсадга қаратилганини, айни пайтда, уларни халқаро меҳнат қонунчилиги ва амалиётига мувофиқ тарзда янада такомиллаштириш кераклигини айтиб ўтди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуманноб Раҳимов** касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг биринчи иш жойи бўйича меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов муддати белгиланмаслиги ҳақида Меҳнат кодексига киритилаётган қўшимча мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини, таъкидлади.

Фракция аъзолари Меҳнат кодексига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг биринчи иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бир йил муддат ичида иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишини чекловчи, шунингдек, иш берувчи ташаббусига кўра, коллежлар битирувчилари билан меҳнат шартномасини тугатишда мазкур қарорни маҳаллий бандликка кўмаклашиш идоралари билан келишиши шартлигини назарда тутувчи меъёрлар киритиш таклифларини билдиришди. ЎзХДП фракцияси фикрича, бу каби меъёрлар ёш мутахассисларни инсофсиз иш берувчилардан ҳимоя қилишга, ёшлар бандлиги ҳақида ҳаққоний ва холисона маълумотларни тўплаш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Давра суҳбатида ишсизликни белгилаш ва ҳисобга олиш, иш топишга кўмаклашиш бўйича хизмат кўрсатувчи тижорат ташкилотлари фаолиятини кафолатлаш, оммавий ишдан бўшатиш, деб таърифланадиган кўрсаткичларни янада аниқлаштириш, иш берувчининг масъулиятини ошириш билан бирга, уларга қўшимча солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш бўйича кўплаб мулоҳаза ва таклифлар ҳам билдирилди.**

Партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ЎзХДП фракцияси таклифлари тегишли қўмитага тақдим этилди.

Фракция парламент қуйи палатасининг ялпи мажлисида қонун лойиҳалари муҳокамасида мазкур таклифлар инобатга олинишига ҳаракат қилади.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# САРМИШСОЙ: АСРЛАРНИНГ БОҚИЙ САДОСИ

... 4 май. Соат 10.00. Яшил гилам ёйган, чор-атроф гулларга бурканган Сармишсойда эрта тонгданоқ карнай-сурнай, дутор ва чанқовузнинг сеҳрли наволари таралиб, ҳамюртларимиз ва хорижий меҳмонларни фестиваль дебочаси — халқ сайлига чорлади. Майдонга бадиий-фольклор, миллий рақс жамоалари кириб келди. Шу ернинг ўзида барпо этилган мўъжаз саҳналарда ҳар бир бадиий жамоа фестиваль учун тайёрлаган мусиқий дастурини ижро этди. Дорбозлар ўйини, улоқ-кўпкари, қўчқор, хўрозлар «жанги» фестивалга янада жўшқинлик, бетакрор миллий руҳ бағишлади.

Бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро туризм ярмаркаларида «Асрлар садоси — 2013» анъанавий маданият фестивалининг тақдимотлари ўтказилиб, ушбу ижодий лойиҳа ҳақида хорижликларга атрофлича маълумотлар берилган эди. Бу фестивалда иштирок этиш орқали табаррук заминимизни ўз кўзи билан кўриш, анъана ва қадриятлари, маданияти, самимий ва бағрикенг халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш истагини билдирган меҳмонлар сафининг тобора кенгайишида муҳим омил бўлди. «Асрлар садоси» фестивалининг асосий тадбирлари билан ҳамюртларимизни кенгроқ таништириш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Туркистон» саройида мазкур лойиҳа доирасидаги гала-концерт намойиш этилди.

...Сармишсойда шўх куй-қўшиқлар янгради. Халқ амалий санъати усталари ижодига бағишланган ярмарка бўлиб ўтди. Фестиваль учун ҳозирланган махсус расталарда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган халқ амалий санъати усталари, моҳир ҳунармандлар, уларнинг шогирдлари ўз ижод намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Нурота каштачилиги, ёрқин ва бетакрор либослари, нақшинкор дўппилари, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошликнинг миллий ҳунармандчилигимизда алоҳида ўрни бор.

Махфират Тўрақулова нуроталик чеварларнинг тўртинчи вакили. У ўн еттинчи асрга оид Нурота каштачилиги намуналарини қайта тиклашга муваффақ бўлган. Чевар қизнинг кўз нури, қалб қўри, алоҳида меҳр ва маҳорат билан тиккан сўзана, дўппи, камзул, турфа либослари ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларга жуда манзур бўлди.

— Мамлакатимизда миллий ҳунармандлик ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида маҳалламиз миллий ҳунармандлик марказига айланиб бормоқда, — дейди Махфират Тўрақулова. — Бу ёшларнинг аждодларимиз касб-корига бўлган қизиқиши ва ҳавасининг тобора ортиши, уларга касб-ҳунар ўргатиш, вақтини унумли ва мазмунли ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Сармишсойда шўх яллалар янграб, жозибали рақслар авж олди. Юртимизнинг турли вилоятлари мусиқий меросини намойиш этувчи ўттизга яқин фольклор жамоа, бадиий ҳаваскорлик гуруҳларининг мазкур тадбирга бағишлаб тайёрлаган ранг-баранг дастурлари фестивалга янада кўтаринкилик, завқ бағишлади.

— Ушбу фестиваль давомида ўзбек миллий анъана ва қадриятларининг асрлар оша аждодлардан авлодларга эъзозланиб, тобора сайқалланиб келаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди Лувр музейининг Шарқ маданияти ва санъати бўлими раҳбари Ронте Рокко (Франция). — Жаҳонда анъанавий маданиятга оид фестиваллар, танловлар кўп. «Асрлар садоси» ўзбек халқининг юксак маънавияти, ижодий-интеллектуал салоҳияти, бетакрор ва бой маданий меросининг ёрқин кўзгуси сифатида барчани ҳаяжонга солади. Сармишсойдаги мана бу тошларга ёзилган битиклар, суратлар, бу ерда ўтган фестиваль тадбирларидан буни яққол кўриш мумкин.

Санъат байрами доирасида Бухоро шаҳрида «Ўзбекистон маданий ва маънавий меросида меъморий битикларнинг ўрни: тадқиқот, кашфиёт ва истиқбол» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Манбашунослар, археологлар, меъморлар, олим ва экспертлар, хаттотлар, ноширлар, хорижлик мутахассислар қатнашган мазкур тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан маънавий меросимизни тадқиқ этишга оид лойиҳа жараёнлари атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилган экспедицияларда кўплаб зиёратгоҳлар, ёдгорликлар пештоқидаги мингга яқин ҳикматли сўзлар ўрганилди. Айрим обидалардаги хира тортган ёзувлар қайта тикланди.

Изланишлар натижасида жамғарма томонидан нашр этилган «Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъати намуналари. VII-XI асрлар», «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» китоб-альбомлари Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи галереясидан ўрин олиб, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро китоб-ярмаркаларида бир неча номинациялар бўйича махсус диплом билан тақдирланди.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг меъморий обидаларни ўрганишга оид лойиҳаси доирасида нашр этилган олти китобнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Китоблар Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Хива, Қорақалпоғистон ҳудудидаги қадимий обидаларда муҳрланган битикларни ўрганишга бағишланган.

Шу куни Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан қайта таъмирланган «Биби Орифа» меъморий обидасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Айни пайтда Маънавий билимларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ихтисослаштирилган таълим даргоҳларининг 20 нафар иқтидорли талабасига стипендиялар топширилди.




— Мамлакатингиздаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт, Ўзбекистоннинг тараққиёт сари дадил одимлаб бораётгани, маънавият ва маърифат ривожи йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор шу каби ёрқин фестивалларнинг юксак савияда, шоду хуррамлик билан ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди италиялик хонанда Массимо Гальфано. — Бу табаррук заминдаги файзли ва обод, гавжум масканлар, халқингизнинг самимий, очиқ ва бахтиёр чеҳраси, юз-кўзидаги шукроналик туйғусига жуда-жуда ҳавасим келди. Италияга қайтгач, гўзал Ўзбекистон ҳақида қўшиқ яратмоқчиман.

5 май куни Сармишсой дарасида халқ сайиллари, кўргазма-ярмаркалар, полвонлар кураши, миллий ўйинлар, фольклор жамоаларнинг чиқишлари, бахшилар ижролари, лапар ва айтишувлар давом этди. Ўзбек пазандалик мактабининг бой анъаналарини намойиш этувчи Миллий таомлар фестивали ҳамда ошпазлар мусобақаси бўлиб ўтди.

Фестивалнинг ёрқин тадбирларидан яна бири — Миллий либослар намойишида ўзбек миллий либосларининг тарихи, қадимдан шаклланган анъаналари, бугуни ва истиқболи ҳақида маълумот берилди. Либосларнинг Зарафшон воҳасига хос жиҳатлари — яшил, зангори, бинафша тусли, ўзига хос бичими, гўзал нақш каштали кийимлар билан бирга анъанавий либослар, замонавий мода намойиши фестиваль иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— «Асрлар садоси» ижодий лойиҳаси мазмун-моҳияти, аҳамияти, тадбирлари кўламининг ғоят кенглиги ва ранг-баранглиги билан мени мафтун этди, — дейди Канада университети профессори, тарихчи олим Давид Схиммельпэннинк ван дер Ойе. — Изчил тараққий этаётган, тобора чирой очиб бораётган Ўзбекистонда ибратли анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор барчанинг ҳавасини тортмоқда. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг истиқболи янада буюк эканидан далолат беради.

Қўҳна тарих, қадимий ва бой маданий меросни ўз бағрида сақлаб келаётган Сармишсойга оқшом тушди. Рангин чироқлар, турфа безаклар бу масканга ўзгача шукуҳ, байрамона кайфият бағишлади. Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова илм-фан, санъат ва маданият, маънавият ва маърифат муттасил ривожланиб бораётган мамлакатимизда «Асрлар садоси» каби фестивалларнинг юқори савияда, байрамона руҳда ўтказилиши янгидан-янги ижодий лойиҳалар, изланиш ва тадқиқотларни олиб бориш, бой маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини янада ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек улуғвор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Фольклор жамоалари, турли танловлар ғолиблари — ижрочи ёшлар, санъат усталари, хорижлик хонанда ва созандалар иштирокидаги катта концерт тадбир қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди. Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига диплом ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**Нуриддин РАҲИМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА

## — МУВАФФАҚИЯТЛИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ САМАРАСИДИР

Қонун лойиҳасида жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураси белгиланган, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг ушбу қарорлар сифати учун масъулиятини оширишга хизмат қилади.

**МДҲ ва Европа мамлакатлари бўйича Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази вице-президенти Н.Боржеллининг айтишича, ҳуқуқий тажриба давомида Ўзбекистон қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга доир ноёб тажрибага эга бўлади. Ҳуқуқий тажриба муайян қонуннинг қабул қилиниши қандай оқибатларга олиб келиши, уни ҳаётга татбиқ этиш давомида яхши натижаларга эришиш учун унинг нормаларига қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳақида билиш имконини беради.**

Анжуман қатнашчилари мамлакатимизда бундай тажрибани ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий база мавжудлигини қайд этди. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари жамоатчилигига ҳуқуқий тажриба бошлангани ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш тартибининг ўзгаргани тўғрисида маълум қилинди. Масалан, янги талабларга биноан жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун ичида, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш ҳақидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши шарт.

Илмий-амалий конференция якунлари бўйича ҳуқуқий тажрибани ташкил этиш услубларидан фойдаланиш ҳисобидан миллий қонун ижодкорлиги тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

**Бошланғич партия ташкилотлари ҳаётнинг энг қайноқ нуқталари — маҳалла ва меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатади. Шу сабабли ҳам улар одамларнинг кундалик муаммоларини яхши билади.**

# ТАДБИРЛАРДАН ОДАМЛАР МАНФААТ КЎРСА,

## *уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошади*

Ўз-ўзидан аёнки, партия аъзоларининг нафақат сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, балки қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таҳлил этишда бошланғич ташкилотлар иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Демак, биз партия тизимининг ҳар бир йўналиши бўйича қуйи бўғинга мурожаат этишимиз лозим. Шунда ҳудудлар ривожи, электорат турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган таклифлар янада пухта ва ҳаётий бўлади.

Иккинчи муҳим масала шундан иборатки, **ҳаётимизда кечаётган жараёнларни таҳлил этиш, учраётган масалалар ечими бўйича таклиф бериш учун, аввало, бошланғич ташкилот етакчисининг салоҳияти юқори бўлиши керак. Шунинг учун бошланғич ташкилотлар етакчилари малакасини ошириш курсларини ташкил этиш вақти келди,** деб ўйлайман. Бунда уларда ташкилотчилик ва ташаббускорлик, сиёсий етакчига хос фазилатларни қарор топтириш асосий мақсад бўлиши лозим.

Қуйи бўғин етакчиларига кўпроқ эътибор қаратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки таклифлари тингланаётган етакчининг ўз кучига ишончи ортади, фаоллиги кучаяди.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида ЎзХДПнинг 758 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Уларнинг фаолиятини кучайтириш масалаларида фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари билан бирга тизимли семинарлар ўтказишни йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман. Мазкур тадбирларда, айниқса, партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар мутахассисларининг фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини оширишга қаратилган тадбир ўтказмайдиган ёки уларни фақат ҳисобот учун ташкил этадиган бошланғич ташкилотлар ҳам йўқ эмас.

Туман, шаҳар партия кенгашлари бундай бошланғич ташкилотлар билан алоҳида иш олиб бориши зарур, деб ўйлайман. Агар бошланғич ташкилотларда тадбирлар баҳс-мунозара руҳида, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ташкил этилса, бу партия аъзоларида қизиқиш уйғотади, уларнинг фаоллиги ошади. Бундан нафақат партия, энг муҳими, унинг электорати манфаатдор бўлади.

**Насиба КАРИМОВА,**
**ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходими.**

# МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА:

## Тошкент Архитектура-қурилиш институтида бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида

Ҳамкорлик



**Куни кеча Тошкент Архитектура-қурилиш институти ташкил этилганига 22 йил тўлди. Мазкур даргоҳ мамлакатимизда архитектура ва қурилиш соҳасида мутахассислар тайёрловчи бош ўқув муассаса ҳисобланади.**

Зеро, бугун Тошкент Архитектура-қурилиш институти (ТАҚИ)да тўртта — «Архитектура», «Қурилишни бошқариш», «Муҳандислик-қурилиш инфраструктураси», «Бино ва иншоотлар қурилиши» факультети мавжуд бўлиб, уларда жами 3421 нафар талаба таълим олмоқда. Шулардан 3156 нафари бакалавриат, 265 нафари эса магистратура босқичида. Уларга 371 нафар юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билим бермоқда.

— Айни вақтда ТАҚИ жаҳондаги 26 та турдош олий ўқув юрти билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ва бу алоқалар йил сайин кенгайиб бормоқда, — дейди **биз билан суҳбатда институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, профессор Ёқубжон Ҳусанбоев.** — Айниқса, Германиянинг Веймар шаҳридаги «BAUHAUS» университети, Потсдам ихтисослаштирилган институти, Дрезден техника университети, Франциянинг Версал олий миллий архитектура мактаби билан олиб борилаётган ишлар кўлами жуда кенг.

Германиялик ва франциялик мутахассисларнинг ТАҚИда ташкил этилган бир қанча халқаро конференция ва семинарларда маърузалар билан иштирок этишлари, маҳорат дарслари, шунингдек, институтимиз профессор-ўқитувчиларининг ушбу давлатлар таълим муассасалари, турли анжуманларда маърузалар билан иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга, илмий-амалий масалаларни ҳамкорликда ечишга ёрдам бермоқда.

— Мана тўртинчи йилдирки, Франциянинг Версал олий миллий архитектура мактаби билан институтимиз ёшларининг фаол ҳамкорлиги давом этмоқда, — дейди, **ТАҚИ талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Бону Азизова.** — Унга кўра, бу йил ҳам апрель ойида 15 нафарга яқин франциялик тенгдошимиз икки нафар профессор-ўқитувчи бошчилигида Тошкент шаҳрида ўқув амалиётини ўтказди. Улар анъанавий маҳаллалар қурилиши, кўп қаватли уйлар жойлашган даҳалар, канал бўйлари, ландшафт ташкил этилишини ўрганишди. Фойдаланилмаётган саноат биноларини ижтимоий объектларга айлантириш масалаларини тадқиқ этишди. Унда институтимиз талабалари ва ўқитувчилари ҳам иштирок этди. Муҳими, биз тенгдошларимиз билан хорижий тилларда бемалол фикр алмашдик, баҳс-мунозаралар олиб бордик. Ўзаро келишувга кўра, июнь ойида институтимиз талаба ва профессор-ўқитувчиларининг Францияга жавоб ташрифи амалга оширилади.

Яқинда ҳамкорлик алоқаларига уч йил тўлиши муносабати билан ТАҚИ ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ франциялик амалиётчи талабалар ҳам иштирок қилди. Биз фурсатдан фойдаланиб, семинар иштирокчиларининг айримлари билан фикр алмашдик.

**Жон КАРВАЛХО,**
***Версал олий миллий архитектура мактаби талабаси:***

— Биз бир муддат юртингизда бўлдик ва бу ўлканинг маданияти, меъморчилик обидалари, миллий урф-одатлари билан яқиндан танишдик. Бу ерда ўзига хос эксперимент ўтказдик. Тажриба учун пойтахт ҳудудини танладик. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ҳар бир квадрат жойда бир киши учун яшиллик зонаси юзаси 70 фоизни ташкил этар экан. Бу халқаро андозаларга кўра, жуда яхши кўрсаткич. Бу ер, айниқса, Тошкентнинг яшилликка бурканган, ҳудуднинг экологик жиҳатдан тозалиги келгусида юртингизда экологик барқарор шаҳар вужудга келишига асос бўлади, деб ўйлаймиз.

**Саусан НОВЕЙР,**
***профессор (Франция):***

— Ушбу халқаро семинар баҳонасида биз диёрингизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши Дастури муваффақиятли амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, ушбу уйларнинг ўзида ҳам замонавий дизайн, ҳам миллийлик мужассамлиги ростданам ҳайратланарлидир. Умуман Шарқ архитектураси, маданияти ўзига хос. Унинг айрим томонларини Европа маданияти ва тежамкорлиги билан тўлдирилиши янаям мукаммалликни ҳосил қилади. Бу умумархитектура жиҳатидан ҳам жозибалидир.

**Нади ОЙЕ,**
***профессор (Франция):***

— Юртингизда бўлганимда юз берган иккита ҳолат мени жуда қувонтирди. Биринчиси, бу юртингизнинг яшиллик ҳудудига бой экан. Айниқса, Тошкентни бемалол яшил шаҳар, дейиш мумкин. Иккинчи жиҳати, ёшларингиз ва уларнинг илм олишга, билмаганини ўрганишга иштиёқининг кучлилиги кишининг ҳавасини келтиради. Семинар Франция ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларнинг янада кенгайиб бораётганини англатади. Қолаверса, бундай тадбирларни ўзаро ҳамкорлик асосида кўплаб ўтказиш фақат ижобий натижалар беради.

**Герхард АЙЗЕЛЕ,**
***профессор (Германия):***

— Тарихий обидаларни қайта таъмирлаш пайтида замонавий материаллар, технологиялардан ўта даражада нозиклик, устамонлик ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Ўшанда уларда аввалгидек жозибадорлик сақланиб қолгани ҳолда замонавий кўриниш касб этади. Биз Берлин шаҳрида жойлашган музейларни ўн йил мобайнида ана шундай тарзда қайта таъмирлаш ишларини олиб борганмиз. Шундай экан, шу йилнинг бошида Тошкент Архитектура-қурилиш институти қошида очилган «Ўзбек-Герман Архитектура ва қурилиш маркази» орқали олиб бориладиган ҳамкорлик истиқболлари жуда катта деб ўйлайман. Бу эса давлатлараро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига замин яратади.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли барча йўналишлардаги каби архитектура-қурилиш соҳасида ҳам диёримизда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Уларнинг натижалари бугун юртимиз кўрки, қишлоқларимиз жамоли ва тароватида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Бундай бунёдкорлик ишларида Тошкент Архитектура-қурилиш институти етиштираётган мутахассис-кадрларнинг алоҳида ўрни борлиги, шубҳасиз.

**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Миллий матбуот марказида

# ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

## аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади

**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан «Мароқанд — Қарши» ва «Қарши — Термиз» участкаларини электрлаштириш лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда йўловчилар учун яратилган замонавий сервис хизматлари» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

Дастлаб компания бошқаруви раиси ўринбосари Шерзод Исматуллаев мавзу юзасидан маълумот берди. Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорида янги темир йўлларни қуриш ва электрлаштириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимиз темирйўлчилари томонидан 2002-2009 йилларда 114 километрлик «Тўқимачи — Ангрен», 2011-2012 йилларда Тошкент — Самарқанд йўналишидаги «Боёвут — Жиззах», «Ғаллаорол — Маржонбулоқ» участкаларида 150 километрлик йўллар электрлаштирилган. Айни вақтда республикамизда электрлаштирилган темир йўллар 684,8 километрни ташкил қилади.

Ҳозирда жадаллик билан амалга оширилаётган «Мароқанд — Қарши — Термиз» темир йўл участкасининг электрлаштирилиши компаниянинг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Ўтган йилнинг бошида 140,8 километрлик «Мароқанд — Қарши» ҳамда 325 километрлик «Қарши — Термиз» участкаларини электрлаштириш учун халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредит маблағларини йўналтириш борасида келишувларга эришилган эди. Бу борада «Мароқанд — Қарши» участкасини электрлаштириш лойиҳасига Осиё тараққиёт банки билан 100 миллион АҚШ долларилик битим имзоланди. «Қарши — Термиз» участкасини электрлаштириш учун эса умумий қиймати 420,48 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Мароқанд — Қарши — Термиз» участкасини электрлаштириш поездлардан фойдаланиш харажатларини 23 фоизга камайтириш имконини беради. Йилига 16 минг тонна дизель ёқилғиси тежаб қолиниши билан бирга, кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади. Юкларни ташиш вақти 1,2 соатга қисқаради, йўловчилар эса манзилларига 40 дақиқа олдин етиб боради.

Темир йўл тизимида йўловчи ташиш замон талаблари даражасида ташкил этилгани боис, йўловчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ томонидан маҳаллий йўналишлар бўйича 755 983 минг, шаҳарлараро йўналишларда 3 миллион 38 минг, халқаро йўналишларда эса 320 002 минг йўловчи ўз манзилига етказилган.

Вокзалларда йўловчилар учун барча шарт-шароит яратилган, кутиш заллари, она ва бола ҳамда болалар учун ўйин хоналари мавжуд. Поезд вагонларида теле, видео воситалари ўрнатилган, йўловчилар манзилларига етгунларича миллий мусиқа ва бадиий фильмларни томоша қилиш имкониятига эга. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳамда хорижда бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлардан хабардор бўлишлари учун мунтазам равишда газета ва журналлар тарқатиш ҳам йўлга қўйилган.

Анжуманда, шунингдек, йўловчи ташишдаги қулайликлар, хусусан, мамлакатимизда туризм соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида «Афсона» туристик поезди йўналиши йўлга қўйилгани, интернет орқали билет сотиб олиш режалаштирилаётгани тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Тадбирда журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

## қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

*1. Жанубий Осиё тиллари кафедраси:*
ўқитувчи — 1 ўрин.
*2. Араб филологияси кафедраси:*
ўқитувчи — 1 ўрин.
*3. Эрон-афғон филологияси кафедраси:*
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*4. Туркий тиллар кафедраси:*
катта ўқитувчи — 1 ўрин;
ўқитувчи — 1 ўрин.
*5. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси:*
профессор — 1 ўрин;
доцент — 1 ўрин;
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*6. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси:*
кафедра мудири — 1 ўрин;
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*7. Мумтоз филология кафедраси:*
кафедра мудири — 1 ўрин;
профессор — 1 ўрин.
*8. Фалсафа кафедраси:*
доцент — 1 ўрин.
*9. Корейс филологияси кафедраси:*
доцент — 1 ўрин;
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*10. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси:*
кафедра мудири — 1 ўрин.
*11. Жаҳон сиёсати кафедраси:*
профессор — 1 ўрин;
доцент — 1 ўрин;
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*12. Педагогика ва жисмоний тарбия кафедраси:*
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*13. Математика ва информатика кафедраси:*
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*14. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси:*
профессор — 1 ўрин;
доцент — ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*15. Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси:*
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*16. Роман-герман кафедраси:*
доцент — 1 ўрин.
*17. Иқтисодиёт назарияси кафедраси:*
профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин.
*18. МДҲ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослик кафедраси:*
катта ўқитувчи — 1 ўрин.
*19. Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослик кафедраси:*
профессор — 1 ўрин;
доцент — 1 ўрин.




*Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.*

**ҲУЖЖАТЛАР:**

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

**100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.**
***Телефон:* 233-45-21, 233-44-36.**

## ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

# «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

вторично объявляет конкурс на приобретение ассенизационной машины с ниже приведенными техническими показателями. Количество приобретаемых машин будет определено по результатам конкурса в зависимости от стоимости.

**ТЕХНИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ МАШИНЫ:**

| № пп | Наименование показателя | Требования |
|---|---|---|
| 1. | Модель машины | |
| 2. | Модель шасси | «Исузи» или «МАН» |
| 3. | Двигатель | Дизель |
| 4. | Вместимость цистерны, м3, не менее | 4 |
| 5. | Глубина очищаемых ям, м, не менее | 5 |
| 6. | Длина, мм | |
| 7. | Ширина, мм | |
| 8. | Высота, мм | |
| 9. | Время очищения цистерны под давлением, мин | |
| 10. | Время очищения цистерны самотеком, мин | |
| 11. | Время наполнения цистерны, мин | |

**КОНТРАКТНЫЕ УСЛОВИЯ:**

***Условия оплаты:*** 30% предоплаты, остальные 70% — по договоренности с иностранным поставщиком при составлении договора, для отечественных поставщиков — немедленно после передачи товара покупателю.

***Условия поставки товара:*** для иностранных поставщиков — CPT Ташкент по железной дороге, для отечественных поставщиков — допустим самовывоз.

***Сроки поставки товара:*** не более 150 дней с момента получения предоплаты.

***Срок действия цены:*** не менее 120 дней.

***Стоимость машины:*** не должна превышать 49000,00 долларов по курсу Центробанка на момент внесения коммерческого предложения.

В конкурсе могут принимать участие заводы-изготовители, иностранные и отечественные фирмы и организации, имеющие право на осуществление оптовой торговли и подтвердившие это право соответствующим документом (заверенной копией) на русском языке.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

**Конкурсные предложения принимаются по адресу:**

***Куда:*** Узбекистан, 100167, г. Ташкент, ул. С.Талипова, 13. Аэропорт «Ташкент»

***Кому:*** Заместителю директора аэропорта Алимову А.М. (для ССТ).

***Телефон для справок:*** + (99871)140-29-54, факс: 140-28-48

***E-mail:*** sst.tas@uzairwavs.com

*Срок приема коммерческих предложений на участие в конкурсе до 25.05.2013 года.*

Коммерческие предложения и все другие документы принимаются по почте, факсу, электронной почте или нарочным только на русском языке.

К коммерческому предложению приложить копию документа (свидетельства) о регистрации предприятия и копию сертификатов соответствия и происхождения (уставы не высылать).

Реклама ўрнида

# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

UZTELECOM

## акциядорлик компанияси тизимидаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

мамлакатимиз алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси ходимларини 7 май — Алоқачилар касб байрами ҳамда халқимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан табриклайди!



Истиқлол туфайли алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгидан-янги технологияларнинг жорий этилиши ва қатор бунёдкорликлар Она диёримизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон қалбига юксак ғурур ва чексиз ифтихор бағишлаётгани билан янада қадрлидир.

Тилагимиз — ўзаро меҳр-оқибат, келажакка ишонч ва яратувчанлик шижоати сизларни асло тарк этмасин!









# «ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

UTG унитар корхонаси жамоаси




## халқимизни 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ билан қутлаб, эзгу тилакларини изҳор этади.

Хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Зеро, ўтганларнинг руҳини шод этмоқ, уларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, атрофимизда яшаётган инсонларни қадрламоқ бизнинг муқаддас бурчимиздир.



Ниятимиз — юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин, хонадонларимиздан тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, файзу барака аримасин!

Газетанинг навбатдаги сони 10 май, жума куни чиқади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodilla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir 1-o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
16380 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5